

## Ўзбекистонлик қори хатми Қуръонда иштирок этиш учун АҚШга жўнаб кетди



08:00 / 03.05.2019 1709

Сўнгги йилларда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар сабаб юртимиздан кўплаб қорилар етишиб чиқмоқда.

Бир неча йилдан буён хориж давлатлари диний идораларидан келган таклифлар асосида қориларимиз чет мамлакатларида диний-маърифий тадбирларда иштирок этиб, таровеҳ намозларини адо этиб келишмоқда.

2019 йилги Рамазон ойида ҳам қориларимиз АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда хатми Қуръонлар ўтказиб берадилар.

Жумладан, АҚШдаги Туркистон - Америка жамиятининг расмий таклифига биноан Тошкент шаҳридаги “Аҳмаджон қори” масжиди имом-хатиби Муҳаммадий қори Эргашев АҚШга жўнаб кетди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Масжидлар бўлими хабар беради.

У ерда меҳмонни жамият раиси Абдуллоҳ Хўжа жаноблари кутиб олди. Муҳаммадий қори Нью-Жерси штати Довер шаҳрида Рамазон ойи давомида мусулмонларга таровеҳ намозини адо этиб, диний-маърифий суҳбатлар ўтказиб бериши режалаштирилган.

***Islom.uz*** портали таҳририяти